# Тошкент оқшоми

Шаҳар ижтимоий-сиёсий газетаси

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

№ 110 (9.000) * 1997 йил 24 сентябрь, чоршанба * Сотувда эркин нархда


Бандлик

## ИШЛИ БЎЛИШДИ

***Шайхонтоҳур тумани Шеърият хиёбони куни кеча ўзгача тус олди. Карнай-сурнай садолари остида очилган «Бўш иш жойи ва вакант ўринлар» ярмаркасида нафақат туман аҳли, балки барча ҳамшаҳарлар иштирок этишди.***

— Туман ҳокимлиги ва меҳнат биржаси ҳамкорлигидаги бу ярмарка ўз вақтида ўтмоқда, — дейди Шайхонтоҳур тумани ҳокими Абдуқаҳҳор Тўхтаев. — Шаҳримизда кенг кўламда қурилишлар олиб борилянти. Тошкент шаҳридаги қурилишларга ажратилган маблағнинг 43 фоизи бизнинг туманга тегишлидир. Бундан кўриниб турибдики, мавжуд бир нечта қурилиш бошқармаларига кўплаб бунёдкорлар керак. Ярмарканинг самараси беистисно нуфузли бўлади. Нафақат қурилиш, балки мавжуд барча корхоналардаги бўш иш ўринлари тўлдирилиб, иқтисодиётимиз янада ривож топади.

— Ташкилотчилик алоҳида эътиборда бўлса, бундай ярмаркаларимизнинг самараси ижобий бўлади, — дея суҳбатимизга қўшилди Тошкент шаҳар меҳнат, иш билан бандлик ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бош бошқармаси бошлиғи Собир Саидкаримов. — Бугунги кунда шаҳарда ишлайман деганларга иш жуда кўп. Фақат уни топа билиш керак. Бунинг учун бош бошқармамизнинг туманлардаги меҳнат биржаларига мурожаат этиш зарур. Иш билан банд бўлмаганларни ижтимоий ҳимоялаш, иш билан таъминлаш ва қайта ўқитиш учун бизда барча имкониятлар мавжуд.

Ярмарка давомида жуда кўплаб иш билан банд бўлмаганлар ва қайта ўқишни хоҳловчилар ташкилотлар вакилларига мурожаат этиб, йўлланмалар олишди.






— Шу кунгача туманимиздаги 941 та ишсиз фуқаро рўйхатга олинди, — деб таъкидлайди меҳнат биржаси директори Маъсуда Каримова. — Уларнинг аксарияти аёллар. Шуни ҳисобга олиб биз маҳалла оқсоқоллари, хотин-қизлар кенгашлари фаоллари билан ҳамкорликда иш олиб бориб, жойларда кичик ва хусусий корхоналар очишга ҳаракат қиляпмиз. Шундай корхоналардан учтаси фаолият кўрсатмоқда. Йил бошидан бери корхона ва ташкилотларда янги иш жойларини ташкил қилиш борасида ҳам яхши ишлар амалга оширилди. Биргина ўтган ойда 186 янги иш жойлари якка тартибдаги меҳнат фаолияти билан барпо қилинди.

— Бундай ярмаркаларни «Меҳнат сайли» десак ҳам янглишмаймиз, — дейди иш ахтариб юрган фуқаро Обид Алимов. — Корхона ва ташкилотлардаги бўш иш ўринлари ичида менга маъқул келгани ижарадаги матбаа корхонасининг чилангарлик касби бўлди. Бу иш менинг қўлимдан келади. Таклиф қилинаётган ишнинг маоши ҳам яхши экан. Шартнома асосида ишга киришни режалаштиряпман.

Ярмаркада ташкилотлар вакиллари мурожаат этган фуқароларга тўлиқ ва аниқ маълумотлар беришди. Шаҳарнинг бошқа туманларидан келган фуқаролар ҳам мавжуд компьютерлардан ҳамда ҳуқуқшунос маслаҳатларидан баҳраманд бўлишди.

*Гулзода АБДУЛЛАЕВА,*

*СУРАТЛАРДА: «Бўш иш жойи ва вакант ўринлар» ярмаркасидан лавҳалар.*

*Рустам Шарипов олган суратлар.*

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Ҳарбий ва муқобил хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган шахсларни Қуролли Кучлар, чегара ва ички қўшинлар сафларидан заҳирага бўшатиш ва фуқароларни муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга навбатдаги чақириш тўғрисида»ги қарори чиқди.***

Кузги чақириқ

## ВАТАН ОЛДИДАГИ БУРЧ

Бинобарин, жойларда кузги чақириқни намунали ўтказишга тайёргарлик аллақачон бошланиб кетган. Биз Тошкент шаҳар мудофаа ишлари бошқармасида бўлиб, 1997 йилнинг октябрь—ноябрь ойларида муддатли ҳарбий ва муқобил хизматга чақириш тартиби, унинг қандай ташкил этилганлиги тўғрисида бошқарма бошлиғи Фарҳод РУСТАМОВдан гапириб беришни сўрадик.

— Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари давлатимиз хавфсизлиги, чегарамиз мустаҳкамлиги ва халқимизнинг тинч-осойишта турмушини таъминлаш йўлида ўз олдида турган вазифаларни аъло даражада бажариб келмоқда. Йилдан-йилга тажрибамиз ошиб, асосий эътиборимиз мудофаа қудратини мустаҳкамлашга, ҳарбий низомларнинг бажарилишига қаратилмоқда.

**— Фарҳод Маҳмудович, бу йилги чақириқ бошлангунга қадар қандай ташкилий-тайёргарлик ишлари бажарилди?**

— Бу ўтган йилги чақирув пайтида юзага келган айрим камчилик ва муаммолар ечиш жараёни билан бошланган десам, хато бўлмайди. Чунки ўша муаммоларни бартараф этмасдан туриб, кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Булар аввало ҳар бир туманларнинг ўзида янги, барча қулайликларга эга чақирув жойларини очиш ҳамда уларни зарурий тиббий ускуналар билан жиҳозлаш эди. Бу ишлар кўнгилдагидек бажарилди. Масалан, Миробод туманида чақирув жойи очилди. Акмал Икромов туманида эса қурилиш ишлари давом этмоқда.

Яна бир асосий масала бу — чақириқ ёшидаги йигитларга тиббий хизмат кўрсатишнинг аҳволини яхшилашдир. Бу борада ҳам баҳорги чақирув якунларини таҳлил қилган ҳолда, хатога йўл қўйган даволаш-профилактика муассасаларига нисбатан тегишли чоралар кўрилди. Шунингдек мудофаа вазирининг буйруғи билан тиббий комиссия аъзолари ҳамда бу жараёнда иштирок этаётган бошқа мутахассислар ҳамкорликда чақирувчиларни тиббий кўрикдан ўтиш тартиби кўриб чиқилди. Ҳокимликлар ва маҳаллалар қўмиталари бу тўғрида зарурий тушунтириш ишларини олиб бормоқда. Яъни Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунига асосан тегишли ҳудудларда жамоат тартиби таъминлашга ҳуқуқли муҳофаза қилиш органларига кўмаклашмоқда.

Шунингдек, агар чақирилувчининг ота-онаси бизнинг тиббий комиссиямиз ишидан кўнгли тўлмаса, бизга мутлоқ қарашли бўлмаган шифохоналарда фарзанди соғлиғини қайта текшириш ҳуқуқига ҳам эга.

Уйлайманки, бу йилги кузги чақириқ албатта уюшқоқлик ва муваффақиятли ўтади.

*Очил ҲАЗРАТОВ ёзиб олди.*

«Ўзбекистон XXI аср бўсағасида»

## ДОЛЗАРБ МУАММОЛАР ЕЧИМИ

***Киночилар уйида Президент Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобини ўрганишга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда таниқли киноусталар, театр актёрлари иштирок этдилар.***

«Ўзбеккино» Давлат ҳиссадорлик компаниясининг раиси Темурмалик Юнусов сўзга чиқиб, мазкур китобнинг киноижодкорлар, театр аҳли учун ҳам дастуруламал бўлиб хизмат қилишини таъкидлади.

Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, таниқли кинорежиссёр, профессор Шуҳрат Аббосов ва бошқалар асарда демократиянинг муҳимлигига алоҳида эътибор берилганлиги, мустақиллик ижодкорларга ҳам талай имкониятлар яратгани, энг долзарб масалалар ушбу китобда ўз ечимини топгани хусусида сўзладилар.

— Мустақиллигимизнинг моҳиятини очиб берадиган бу асардаги фикрларни амалда қўллашимиз лозим, — деди Ўзбекистон халқ артисти Зикир Муҳаммаджонов.

Филология фанлари доктори, профессор, киношунос Ҳамидулла Акбаров учрашув якунида айтганидек, бу асарнинг мустаҳкам ўзаги бор, унда ўзбекнинг тарихи варақланиб, қайта, холисона баҳоланган. Чуқур фалсафий идрок билан ёзилган бу асарда цивилизация, маънавиятимиз тарихи билан боғлиқ бўлган кўпгина саволларга жавоб топиш мумкин.

*Феруза МУҲАММАДЖОНОВА.*




Кўргазмалар

## МАМЛАКАТ ИҚТИСОДИЁТИГА — ЯНГИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

«Ўзэкспомарказ» павильонларидан бирида «Ўзбекистон-97: технологиялар ва маҳсулотлар» деб аталувчи янги халқаро кўргазма очилди.

Маълумки, ижтимоий дастурларнинг муваффақиятли амалга оширилиши ва халқ турмуш фаровонлигининг кўтарилиши мамлакат иқтисодиётининг барқарор ўсишига тўғридан-тўғри боғлиқдир. Бинобарин бунда ишлаб чиқаришни ривожлантириш, замонавий техника ва технологияни жорий этиш, юксак сифатдаги рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришнинг аҳамияти каттадир.

— Бундай кўргазмаларнинг ташкил этилиши ана шу йўналишдаги устувор омиллардан бири бўлиб, корхоналар ўртасида амалий алоқаларни ўрнатишга ёрдам беради, — дейди «Глахе Интернационал Гроуп» немис фирмасининг директори Ариана Вернер. — Бизнинг компаниямиз мана уч йилдирки, Ўзбекистонда дунё ишлаб чиқариш амалиётининг сўнгги ютуқларини намойиш этмоқда. Бунда бизга Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Амалий алоқалар маркази ҳамкорлик қилмоқда. Ана шу вақт ичида тўпланган тажрибалар шуни кўрсатдики, бундай кўргазма манфаатдор шахслар ва фирмаларнинг нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун Марказий Осиёнинг бозорларига чиқишнинг салмоқли йўналишини ўзида намоён этмоқда.

Бу галги халқаро кўргазмада жаҳоннинг 20 та мамлакатидан, жумладан АҚШ, Австрия, Франция, Бельгия, Сингапур, Мисрдан 100 дан зиёд компаниялар иштирок этмоқда. Бу ерда шуни айтиш кераки, бу кўргазма асосан ахборот бериш тарзида бўлиб, ундан кўзда тутилган мақсад бизнинг республикамизда амалий шерикликни орттирмоқчи бўлган иштирокчи мамлакатларни таништиришдан иборатдир. Кўргазма экспозицияларига нефть-газ, машинасозлик, энергетика, тиббиёт, доришунослик, кимё, озиқ-овқат, енгил саноат учун, шунингдек рангли металлургия, самолётсозлик, қурилиш индустрияси учун замонавий технологиялар қўйилган. Кўргазма қатнашчилари орасида Канаданинг машҳур «Аэротек» фирмаси, Германия Федератив Республикасининг пластмассадан манзарали мебель фурнитуралари тайёрлайдиган «Феннель» фирмаси, Италиянинг пўлатдан занглaмайдиган юксак сифатли идишлар тайёрлайдиган «Иноксия» фирмаси, шунингдек Сингапурнинг тўқув машиналари тўла туркумини ишлаб чиқарадиган «Фалмек» фирмаси ва бошқа фирмаларни келтириб ўтиш ўринлидир.

Кўргазма экспозициялари ҳақида мулоҳаза юритар эканмиз унинг ташкилотчилари бўлмиш «Глахе Интернационал Гроуп» компанияси ҳақида ҳам бир неча оғиз гапириш ўринлидир. Бу компания бутун дунёда кўргазмалар ўтказиш ва маркетинглар соҳасида 50 йилдан зиёд тажрибага эгадир. Компаниянинг Австрия, Буюк Британия, Польша, Франция, Швейцария, АҚШ ва бошқа мамлакатларда ваколатхоналари бор. Шу нарса ҳам диққатга сазоворки, ушбу фирма Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан ҳамкорликда манзили Тошкент ва Кёльнда бўлган HWV «Савдо-реклама агентлиги» қўшма корхонасини ташкил этган бўлиб, бу қўшма корхона барча соҳаларда, шу жумладан молиявий соҳада консалтинг хизматларини бажармоқда. Ушбу компания 1994 йили консорциум томонидан ташкил этилган Амалий алоқалар маркази билан ҳам мустаҳкам риштaлар боғлаган. Бу консорциумга Европадаги бир қанча ташкилотлар, шу жумладан «Глахе Интернационал Гроуп» компанияси ҳам киради.








**ЭРТАГА**

***кўргазма ўз ишини ниҳоясига етказади. У уч кун давомида кўплаб ҳамкорлик алоқалари ўрнатишга хизмат қилди.***

*СУРАТЛАРДА: «Ўзэкспомарказ»да очилган «Ўзбекистон-97: технологиялар ва маҳсулотлар» халқаро кўргазма залларида.*

*Рашид Галиев олган суратлар.*

## БУГУНГИ КУН НАФАСИ

### МАМЛАКАТИМИЗДА

● Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 22 сентябрь куни иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Япония ва Япония — Ўзбекистон қўмиталарининг анъанавий қўшма мажлисида иштирок этиш учун мамлакатимизга ташриф буюрган Япония делегацияси аъзоларининг бир гуруҳини, 23 сентябрь куни эса Европада Хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти (ЕХҲТ) Парламент ассамблеяси президенти Хавьер Руперез, унинг Бош котиби Спенсер Оливер ҳамда ЕХҲТнинг Тошкентдаги ҳудудий бюроси раҳбари Ганчо Ганчевни, шунингдек Россия Федерацияси Давлат думасининг раиси Геннадий Селезневни, Қирғизистон Жоқарғи Кенеши халқ вакиллари йиғилишининг тўрағаси Алмамбет Матубраимовни қабул қилди.

● Президент Ислом Каримов ЕХҲТ Парламент ассамблеяси кенгайтирилган бюросининг мажлиси ва «Марказий Осиё ва Кавказда минтақавий хавфсизлик ҳамда сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва гуманитар масалалар» семинари қатнашчиларига табрик йўллади. Ушбу анжуманлар иштирокчиларига бу табрикни Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов ўқиб эшиттирди.

● Қирғизистон Жоқарғи Кенеши халқ вакиллари йиғилишининг тўрағаси Алмамбет Матубраимов бошчилигидаги ушбу мамлакат парламент делегацияси аъзолари мамлакатимизга расмий ташрифи давомида Олий Мажлис раиси Эркин Халилов ҳамда Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Исмоил Жўрабеков билан учрашдилар.

● Иқтисодий ҳамкорлик бўйича Япония — Ўзбекистон қўмитаси аъзоларидан иборат Япония делегацияси аъзолари Асакадаги «ЎзДЭУавто» қўшма корхонасида бўлдилар, Тошкентда барпо этилажак япон боғи пойдеворига тош қўйиш маросимида иштирок этдилар.

● Европа Иттифоқининг ТАСИС дастури доирасида Тошкентда Ўзбекистон ва Бельгия ҳуқуқшуносларининг учрашуви бўлиб ўтди. Бельгиялик ҳуқуқшунослар бир ҳафта давомида республикамиз адлия, суд, нотариал идораларда бўлиб, соҳа вакиллари билан учрашадилар, ўзаро тажриба алмашадилар.

● Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси томонидан Тошкентда оналар саломатлиги муҳофазасига бағишланган минтақавий семинар бўлиб ўтди. Унинг ишида Тошкент шаҳри, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари хотин-қизлар ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар.

### ЖАҲОНДА

● Белоруссия Президенти Александр Лукашенконинг Қозоғистонга икки кунлик расмий ташрифи ниҳоясига етди. У Президент Нурсултон Назарбоев билан асосан савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, Россия, Белоруссия, Қозоғистон ва Қирғизистон ўртасидаги божхона иттифоқини мустаҳкамлаш масалаларини муҳокама этди. Бугун Александр Лукашенко расмий ташриф билан Ҳиндистонга келди.

● Эртага Хитой Бош вазири Ли Пэннинг Қозоғистонга қисқа муддатли амалий ташрифи бошланади. У Президент Нурсултон Назарбоев билан асосан Қозоғистондан Хитойга нефть қувурини ўтказиш масаласини муҳокама этади.

● Россия Бош вазирининг ўринбосари Валерий Серов Кишиневда Молдова президенти Петру Лучинский, Тирасполда Днестрбўйи республикаси президенти Игорь Смирнов билан музокаралар ўтказди. Бу мулоқотлар натижасида Молдова билан унинг таркибидаги Днестрбўйи республикаси ўртасида иқтисодий ҳамкорлик қилиш юзасидан шартнома тузишга келишиб олинди. Аммо ушбу музокараларда Россиянинг Днестрбўйидаги собиқ ҳарбий базаларидан қурол-яроғлар ва анжомларни олиб чиқиб кетиш масаласида бир фикрга келинмади. Молдова бу қурол-яроғлар олиб чиқиб кетилишини талаб этаётган бўлса, Днестрбўйи республикаси уларни ўзига тегишли, деб олиб чиқиб кетилишига қаршилик кўрсатишини билдирди.

● Страсбург шаҳрида Европа Кенгашини Парламент ассамблеясининг навбатдаги сессияси иш бошлади. Унинг кун тартибидан асосан ушбу кенгашга аъзо мамлакатлар ўртасида алоқаларни мустаҳкамлаш масалалари эгаллаган.

● Кеча Туркия пойтахти Анқарада мудофаа технологияси ва фуқаро авиацияси халқаро кўргазмаси иш бошлади. Унда жаҳоннинг 25 тадан кўпроқ мамлакатидан 300 дан зиёд фирма иштирок этяпти.

● Россия Президенти Борис Ельцин Кемерово вилоятидаги Ленинск-Кузнецк шаҳри мэри Геннадий Коняхинни уюшган жиноятчилар билан алоқада айблаб, уч марта қамалган бу шаҳар раҳбари фаолиятини текшириш учун федерал ҳуқуқ-тартибот идораларининг раҳбарларидан иборат катта комиссия юборди.

● Жазоир жангарилари яна бир оғир қонли хунрезлик қилдилар. Мамлакат пойтахти яқинидаги қишлоқлардан бирида улар томонидан 85 киши қириб ташланди, 60 нафардан кўпроқ одам эса оғир жароҳатлар олди.

● Хитойнинг жануби шарқидаги Фудзянь вилояти пойабзал фабрикасида рўй берган ёнғин оқибатида 32 киши ҳалок бўлди.


## АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Тошкент шаҳар ҳокимининг қарорига кўра 1997 йилнинг сентябрь ойида Юнусобод туманида ҳудудларни тозалаш бўйича буюртмачининг ягона хўжалик ҳисобидаги участкаси ташкил этилди.

Ана шу муносабат билан Юнусобод туманида жойлашган корхоналар, муассасаларнинг барча раҳбарлари ва маҳалла қўмиталари 1997 йилнинг 1 октябрига қадар хўжалик-маиший чиқиндиларни олиб кетиш бўйича хўжалик ҳисобидаги участка билан мажбурий тартибда буюртмани (қайта буюртмани) тузишлари шарт.

**Хўжалик ҳисобидаги участка қуйидаги манзилда жойлашган:**
**Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани,**
**З.Жалолов кўчаси, 3-уй.**
**Телефон: 35-13-80.**

*Қурилиш*

# ШАРҚОНА УСУЛДА

**_Инсон манфаатлари йилида шаҳримизда кўплаб турар жой бинолари қад кўтармоқда. Оилаларнинг кўпчилиги мана шу йилда янги уйларга кўчиб ўтиб, ҳовли тўйларини ўтказишмоқда._**

Айниқса, бу ишда «Тошуйжойжамғармабанк»нинг хизмати катта бўляпти. Яқинда биз ушбу банк буюртмаси билан қурилаётган уйларда бўлганимизда бунинг гувоҳи бўлдик.

Шаҳримизнинг биргина Нукус кўчасида ана шундай уйлардан 5 таси қад ростлади. Шу уйлардан биттаси — 16 хонадонга мўлжалланган 1-уй ўз эгаларини хушнуд этиш арафасида. Унинг атрофида қад ростлаётган 2, 3, 4, 5-уйларда қурилиш-тиклаш ва пардозлаш ишлари қизғин тус олган. Чунки бу уйлар ҳам тез кунларда ўз эгалари учун тахт қилиб қўйилади. Улардан 3 таси 16 ва 5-уй эса 20 хонадонга мўлжалланган.

Айни кунларда қурилишда иш қизғин. «Ўзсаноатфуқароқурилиш» бирлашмасига қарашли Ангрен уйсозлик комбинати 3, 4-ҳамда «Митен» ҳиссадорлик жамияти қурувчилари 2, 5-уйларни бунёд этиш ишларида бош пудратчи ҳисобланадилар. Бу ерда иш икки сменада ташкил этилган бўлиб, 400 нафар қурувчи уйларни тез ва соз қуриб эгаларига топшириш йўлида ғайрат кўрсатмоқдалар.

— Қурувчиларимиз биз бунёд этаётган уйларнинг эгалари кутаётганларини жуда яхши ҳис этиб турибдилар, — дейди участка бошлиғи Ш. Русликов. — Қурилиш материаллари таъминотида бироз узилиш бўлганлиги сабабли, уйларни топшириш муддати озгина чўзилди. Бугунги кунда эса материаллар кетма-кет келиб турибди. Қурувчиларимиз ҳар бир дақиқадан унумли фойдаланишмоқда.

Қурувчиларга яратилаётган шароитлар билан қизиқдик.

— Кунига уч маҳал иссиқ овқат билан таъминланамиз, — дейди тикловчилар бригадаси бошлиғи Геннадий Новиков. — Бу, албатта, қурувчиларимизнинг вақтини тежашга имкон туғдиради. Шунингдек, дам олиш соатларида газета ва журналлар ўқиб, янгиликлардан хабар топамиз, шахмат-шашка ўйнаб, маданий ҳордиқ чиқарамиз. Қурувчилар кунини ҳам шу ерда — қурилиш майдонида нишонладик. Илғорлар рағбатлантирилди.

Биноларни тиклашда кран машинистларининг хизматлари таҳсинга лойиқ. Бу қурилишда эса Чирчиқ шаҳридан келган кранчилар меҳнат қилишмоқда. Айниқса, Рамиль Абдуллин ҳамда Валя Шокирова сингари кранчилар ўз ишининг усталари эканлигини участка бошлиғи алоҳида таъкидлаб ўтди. Зина Рамазонова, Ирина Черкасова сингари бўёқчилар эса хонадонларга зеб беришда ўз маҳоратларини намоён этишмоқда.

Шунингдек, фарғоналик қурувчилар ҳам ҳамкасбларига камарбаста бўлиб, пардозлаш ишларини сифатли қилиб бажаришяпти. Фарғона уйсозлик комбинатига қарашли «Фарғонауйқурилиш» ҳиссадорлик жамиятининг уста Умаржон Зулунов бошчилигидаги пардозловчилари хоналарнинг эгалари дидига мос бўлишига ҳаракат қилишмоқда.

— 8 йилдан буён қурилиш соҳасида меҳнат қиламан, — деди Умаржон Зулунов. — Ишимиздан одамлар мамнун бўлишини ўйласак, ҳамма қийинчиликлар унутилади. Йигитларимизнинг барчаси меҳнатсевар. Айниқса, Ўктам Шодиев, Зоир Аджимуратов, Радик Харрасов сингари йигитларимиз бу қурилишда ғайрат билан ишлашади.

Тайёр бўлаётган уйларни кўздан кечирдик. Хоналари кенг ва шинам, иккитадан айвонлари бор. Хуллас, ўзимизнинг шарқона урф-одатларимиз асосида қурилмоқда.

*Шарифа ИЛЁСОВА.*

*Бандлик*

# ЯХШИ ИШЛАБ ДАРОМАД ТОПАЁТГАНЛАР

**_Тошкент шаҳар меҳнат, иш билан бандлик ва ижтимоий ҳимоялаш бош бошқармасига қарашли туман меҳнат биржаларининг фаолияти кенгаймоқда. Улар маҳаллаларда, ўрта махсус ўқув юртлари, ишлаб чиқариш ва маиший хизмат корхоналари билан ҳамкорликда иш юритиб, аҳолини иш билан таъминлашга имкон яратаётирлар._**

— Биз кейинги вақтда бошқарма ва меҳнат биржаларининг муассислигида кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришга, ишлаб чиқариш билан шуғулланадиган хусусий ва кичик корхоналар ташкил этишга алоҳида эътиборни қаратяпмиз, — дейди Тошкент шаҳар меҳнат, иш билан бандлик ва ижтимоий ҳимоялаш бош бошқармасининг бошлиғи Собир Саидкаримов. — Бунда иш фаолиятини бошламоқчи бўлган тадбиркорга қандай ёрдам керак бўлса уни бериб ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва қўшимча иш жойи ташкил этиш имконини яратамиз. Худди мана шу йўналишда иш юритаётган хусусий ва кичик корхоналарнинг сони шаҳримиз бўйича элликтага яқиндир. Фикримизнинг далили сифатида Ҳамза тумани меҳнат биржаси муассислигидаги «СВ-Фортуна» ишлаб чиқариш тижорат фирмасини келтиришимиз мумкин.

— Аҳолини иш билан таъминлаш, уларни қайта ўқитиш ва малакасини ошириш борасида талайгина ишларни амалга ошираяпмиз, — дейди меҳнат биржаси бошлиғи Вера Қодирова. — Бунинг учун жойларда биржанинг нималарга қодирлиги, бепул таълим олиб, иш билан таъминланишлари хусусида учрашувлар, вакант жойлар учун корхоналар билан биргаликда ярмаркалар ташкил этмоқдамиз. «СВ-Фортуна» ишлаб чиқариш тижорат фирмасининг раҳбари Вячеслав Абрамовнинг таклиф ва мулоҳазаларини ўрганиб чиқиб кенг қамровли кичик корхона ташкил этиш мумкинлигига тўла ишонч ҳосил қилиб, ҳамкорликда иш бошладик. 1995 йилнинг охирларида биржа томонидан 2 миллион сўм маблағ ажратилди. Тумандаги айрим шерик корхона ва ташкилотларнинг ҳудудидаги бўш жойлардан шартнома асосида фойдаланишга келишилди. Яна шуниси аҳамиятлики, бу фирмага фақат биржа томонидан тавсия этилган ишсизлар ишга қабул қилинадилар. Мана орадан салкам икки йил вақт ўтди. Барча қийинчиликлар ортда қолди. Кичик корхона иш тизимини расмий равишда ишлаб чиқариш тижорат фирмаси деб атаган бўлса ҳам, аммо асосан ишлаб чиқариш ва аҳолини иш малакасини ошириш билан шуғулланмоқда. Келинг, яхшиси иш жараёни билан танишиб, кичик корхонанинг фаолиятига ўзингиз гувоҳ бўлинг...

«БМКБ-Агромаш» акционерлик жамияти биноси ҳудудидаги иккита бино кўп йиллар қаровсиз бўлиб, ташландиқ ҳолга тушганди. Биржа ходимлари кўплаб бўш жойларни эътиборга олган бўлсалар ҳам фирма раҳбарига шу ер маъқул тушди. Бу ерда тикувчилик цехи очилиши мумкинлигини режалаштириб, асосий ишга киришди.

— Дастлабки кезларда ишни тез ривожлантиришга анча қийналдик, — дейди биз билан суҳбатда «СВ-Фортуна» ишлаб чиқариш тижорат фирмасининг раҳбари Вячеслав Абрамов. — Лекин биржа томонидан маънавий ва моддий қўллаб-қувватланишимиз натижасида қийинчиликлар ортда қола бошлади.

Мўлжалда 30 иш ўрни ташкил этиш белгиланганди. Шу кунгача биржа томонидан тавсия этилган 34 нафар ишчи меҳнат қилмоқда. 1996 йилнинг март ойидан тикувчилик цехи иш бошлади. Цех бошлиғи Владимир Корсунцов ишчиларнинг маҳорати ва тайёр маҳсулотнинг сифатига алоҳида эътибор бериб, ўз-ўзини назорат иш тизимини ташкил этди. Шунингдек, буюртманинг барча иш жараёнини якка тартибда ҳамда конвейер услубида тикиш ҳам йўлга қўйилди. Айни вақтда тикувчиларимиз келтирилган хом ашёдан чойшаб, ёстиқ жилдлари, махсус иш кийимлари тикишмоқда. Буюртманинг бир қисми август ойига қадар адо этилган эди. Унда 7750 дона (комплект) чойшаб тикиб топширдик. Бу ишларни аъло сифатли қилиб бажаришга Мақсуда Деҳқонова, Зулфия Абдиязова, Нигора Юсупова, Людмила Деркач, Наталья Дёмина ва бригадир Ирина Любинцовалар муносиб улуш қўшдилар.

Корхонамизда ишлаш учун фақат аёлларга эмас, эркакларга ҳам иш топилади. Мана шуни ҳисобга олиб цементли ғишт цехини ҳам очдик. Бу цехимиз 1997 йил апрель ойидан фаолият кўрсата бошлади. Цех учун 8-автобаза ҳудудидан бир гектар ер олдик. У ерда 5 киши меҳнат қилади. Ўтган вақт ичида 8 минг дона цементли ғишт ишлаб чиқардик. 7 мингтаси харидорларга етказиб берилди. Цех бошлиғи Алексей Кривохижин ғиштларнинг сифатли бўлишига алоҳида эътибор қаратди. Унинг укаси Николай, дўсти Руслан Тулаев, Артур Левин, Константин Комаровлар ҳам яхши ишлаб, даромад топиб меҳнатларига яраша ҳақ олишга интилишмоқда.

Биржа томонидан ишга йўлланаётганлар сони кўпаётганлигини ҳисобга олиб цементли ғишт ишлаб чиқариш цехини яна биттага кўпайтиришга ҳозирлик кўриб қўйдик. Яқин кунларда бу цех ҳам ишлай бошлайди. Йил охиригача ёғочни қайта ишлаш ҳамда мармар тошга жило бериш цехини очамиз. Бу ерда ҳам асосан халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқарила бошланади. Асосийси яна 25-30 нафар ишчи ўрни ташкил этилади.

**— Ишчиларнинг ижтимоий ҳимояси борасида қандай имкониятлар мавжуд?**

— Биз ишни талаб қилаяпмизми, шунга яраша яхши шароит ҳам яратилган. Дам олиш хонаси, тиббий хона, ошхона мавжуд. Ишчиларимизнинг кўпчилиги ўзаро келишилган ҳолда эрта келиш ва кеч кетиш имкониятига эга. Уларга меҳнатларига яраша ҳақ тўланади. Ҳозир ишчиларимизнинг ўртача маоши 3 минг сўмдан 7 минг сўмгача бўлаяпти.

**— Биржа томонидан берилган қарз қай усулда тўланади?**

— Шартномага кўра олинган қарз фоизсиз бўлиб, ҳар йили даромаднинг 20 фоизи биржа ҳисобига ўтказиш йўли билан қайтарилади. Бундай йўналишда иш кўриш ишлаб чиқариш билан шуғулланувчи тадбиркорларга жуда қўл келади. Чунки маблағ билан таъминланади. Барча муаммоли ишларда ҳамкор, тайёр иш кучини ҳам тавсия этишади. Фақат ташкилотчилик ишини йўлга қўйиб берсангиз бас.

*Суҳбатдош Гулзода МАМБЕТОВА.*



*«Тошкент чинни заводи» ҳиссадорлик жамиятининг 5-разрядли қолипловчиси Айдар Шарифуллин ўз ишининг устаси. У ҳамиша тез ва соз ишлашга интилади.*

*СУРАТДА: Айдар Шарифуллин чинниларни қолиплаш жараёнида.*

*Савдо-кўргазма*

# ХУШБИЧИМ ВА АРЗОН

**_Шаҳримиздаги «Қизил тонг» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар аҳоли талабига мослиги билан нафақат республикамизда, балки хорижий мамлакатларда ҳам харидоргир._**

Бу корхонада ҳар йили куз ва қиш мавсуми бошланиши олдидан ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг кўргазмасини ташкил этиш анъанага айланиб қолган. Шу кунларда ҳам Индира Ганди номидаги маданият саройида ҳиссадорлик жамиятида тайёрланган замонавий маҳсулотлар кўргазмаси ва савдоси бўлиб ўтмоқда.

Кўргазмадан 100 хилдан ортиқ кийим-кечаклар: эркаклар ва аёллар кузги ва қишлик пальтолари, эркаклар костюмлари, ўсмир ўғил ва қиз болалар калта пальтолари, камзуллари ўрин олди.

Кўргазма залида бўлиб, унинг ташкилотчилари ҳамда харидорлар билан мулоқотда бўлдик.

— Кўргазмамизнинг байрам кунларида уюштирилгани унга ўзига хос руҳ бахш этди, — дейди ҳиссадорлик жамияти цех бошлиғи, кўргазмада сотувчилик вазифасини бажараётган Нафиса Азимова. — Биз ҳамкасбим Марина Колосова билан биргаликда маҳсулотларни сотиш билан бирга бу ерга келаётган харидорларнинг фикр-мулоҳазаларини ҳам ўрганамиз. Кейин эса бу мулоҳазаларни маъмуриятга етказамиз. Албатта, бу ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилашда ҳисобга олинади.

Костюм-шим харид қилмоқчи бўлиб турган харидор йигитга яқинлашдик.

Ўзини Мақсуд Қозоқбоев деб таништирган бу йигит шаҳримиздаги 4-трестнинг 19-қурилиш бошқармасида қурувчи экан. Кўргазма маҳсулотлари ҳақида унинг фикри билан қизиқдик.

— Ўтган куни мана шу костюм-шимдан олиб кетган эдим. Ўзи ҳам яхши тикилган, материали ҳам яхши экан, нархи 2400 сўм. Энди укамга олиб кетмоқчиман, унга ҳам бу костюм маъқул келди, — деди Мақсуд Қозоқбоев. — Умуман кўргазмага қўйилган кийимлар ҳам замонавий, ҳам арзонлиги билан харидорларни мамнун этмоқда.

— Мен қизимга калта пальто харид қилдим, — дейди харидор Зубайда Қобулова. — Замонавий тикилган, қизимга ҳам жуда ёқди. Биз кўргазмадан жуда мамнун бўлдик.

Хуллас кўргазма харидорларда катта қизиқиш уйғотди ва ҳамшаҳарларимизни ўз маҳсулотлари савдоси билан хушнуд этди.

*Шарифа БАҲРОМОВА.*

*Транспорт*

# БОЗОРНИНГ ҚАТЪИЙ ТАЛАБИ

**_2-автокомбинат «Тошшаҳарйўловчитранс» давлат уюшмаси тасарруфидаги 5 та такси саройлари орасида энг намунaлиси ҳисобланади. Бу ерда ички имкониятлардан мумкин қадар тўлароқ фойдаланишга ҳаракат қилиняпти. Сабаби аён: ёрдам кутиб четга кўз тикадиган замонлар ўтди. Яшаш учун пул топиш керак. Бозорнинг қатъий талаби ана шундай._**

Бозор иқтисодиёти туфайли эндиликда замонавий хизмат кўрсатишнинг янги шакллари вужудга келмоқда. Шулардан энг муҳими — ўзгарувчан тариф тизимига ўтишдир. Бу нима дегани? Ривожланган мамлакатларда кун даврларига қараб, йўл ҳақини турлича белгилаш тартиби жорий этилган. Айтайлик, эрталаб бошқа нарх, кундузи бошқа, тунда яна бошқа нарх. Ўзимизда ҳам ушбу тажрибани қўлласа бўлади. Бунинг учун, аввало, электрон ҳисоблаш ускуналари зарур. Уларни эса биздаги мавжуд машиналарга ўрнатиб бўлмайди. Чунки кўпи эски, энг асосийси, замонавий ускуналар учун мослашмаган.

Қарашлар ва муносабатлар ўзгариб бораётган эркин бозор даврида кўпчиликнинг бошини қовуштириш осон эмас, албатта. Шунинг учун аввало раҳбарларнинг ўзи ибрат кўрсатиши керак. Шу боис ҳамма — биринчи раҳбардан тортиб, оддий ходимгача — меҳнат интизомига қатъий риоя қилади. Чунки интизом ишнинг аввало бошидир. 2400 киши шу ердан тирикчилик ўтказади. Муаммолар ҳам етарли. Мавжуд 1498 та транспорт воситасидан 82 таси аниқ йўналиш бўйлаб қатнайдиган маршрут-таксилар. Қолганини «ГАЗ-24», «Доган», «ГАЗ-31» русумли енгил машиналар ташкил этади. Тўғри, ҳаракатдаги техниканинг аксарияти эскирган, хизмат муддатини ўтаб бўлган. Таъмирчи усталарнинг маҳоратли қўлларигина уларга қайта «жон» бағишлаяпти. Иш жараёнида узилиш бўлишига йўл қўйилмаётир. Бир кеча-кундузда шаҳримиз кўчаларига 450-470 та такси машинаси чиқарилади. Улар пойтахт аҳолиси ва меҳмонларнинг узоғини яқин, мушкулини осон қилмоқда. Шунингдек, бир қатор ташкилот ва муассасаларга идоравий хизмат ҳам кўрсатилади. Бунинг учун 512 та енгил автомашина ажратилган.

Яширишнинг ҳожати йўқ: ўтган йили кўпгина транспорт корхоналари қатори жамоа учун ҳам ҳийла оғир келди. Тарифлар ўзгариб турган шароитда иш юритиш осон эмас. Иқтисодий соҳадаги мавжуд қийинчиликларга қарамай ҳайдовчилар муҳандис-техник ходимлар фидойилиги туфайли йиллик режа ортиғи билан уддаланди.

Очиқ турдаги акциядорлик жамиятида ишловчи барча ишчи-ходимлар қатори жамоа аъзоларига ойлик маошлар ўз вақтида тўланишидан ташқари яна ҳар бир ишчи-ходимга ҳар ойда овқатни арзонлаштириш учун 350 сўмдан моддий ёрдам пули тўланди. Бундан ташқари таътилга чиқиши, даволаниши муносабати билан ариза ёзиб мурожаат қилганларга энг кам ойлик маошнинг икки бараваридан кам бўлмаган миқдорда моддий ёрдам пули ажратилди. Тўй ёки маъракалар ўтказган ишчи-ходимларга энг кам ойлик маошининг 5 бараваригача бўлган миқдорда корхона маблағлари ҳисобидан ёрдам пули берилди. Сарой касаба уюшмаси ишчилар ошхонасининг харажатларини ўз зиммасига олиб, ишчи-ходимларга нонушта, тушки ва кечки овқатларни ўз таннархи бўйича имтиёзли нархларда тарқатишни йўлга қўйди. Тузилган ўзаро шартномаларга асосан маҳсулотларнинг асосий қисми «Таом» акционерлик ташкилотидан, иссиқ нонлар эса «Боғистон» корхонасидан, сут маҳсулотлари «Тошкентсут» ҳиссадорлик жамиятидан келтирилмоқда. Зарарли шароитларда ишловчи ишчи-ходимларга ишлаган кунлари учун махсус сут бепул ажратилди. Бундан ташқари корхонада «ЭПАП» кўчма профилакторийси мавжуд бўлиб, 70 ишчи-ходим имтиёзли йўлланмалар билан шу ерда даволандилар ва «Парҳез таомлар» билан таъминланадилар. Ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан 43 киши имтиёзли йўлланмалар олиб, «Турон», «Оқтош», «Янгийўл», «Зомин», «Чимён» ва бошқа санаторийларда даволаниб қайтди.

*Усмон МУҲАМЕДОВ.*

*Ажабо!*

# «ГОВХАР» НИМА ДЕГАНИ?

**_Ёзув — инсоният ўйлаб топган буюк кашфиётларнинг дастлабкиси саналади. Шундан бўлса керак, ҳар қандай битик киши эътиборини беихтиёр тортмай қолмайди. Баъзан уни кулдиради, баъзан ҳайратга солади, баъзан ачинтиради. Қуйида шаҳримизнинг айрим жойларида битилган ёзувлар ҳақида мулоҳаза юритдик._**

Мабодо Амир Темур кўчасида, Юнусобод тумани ҳокимлиги рўпарасида жойлашган кутубхонага бориб қолсангиз темир панжаралар билан ўраб қўйилган бино пештоқига «Юнусобод тумани маданият бўлимига қарашли В. Ульянов номли болалар кутубхонаси» деган ёзув худди янгидай турибди. Олти йил давомида бундай ёзувнинг ҳанузгача олиб ташланмаганлиги сабаби нимада экан? Ёки болалар кутубхонаси раҳбарлари шу давр мобайнида темир панжарали бинодан ташқари чиқишмаганмикан?

Бугунги кунда шаҳримиздаги тижорат дўконларининг аксарияти қизлар номи билан аталади: «Лайло», «Гулнора», «Феруза», «Анора» ва ҳоказо. Шундай дўконларнинг бирига «Говхар» деб ёзилибди. Аслида «Гавҳар» бўлиши керак. Бу ҳам етмаганидек ушбу сўз тенг иккига бўлиниб, ўртасига безак сифатида қандайдир ясама гул ўрнатилган. Агар форс-тожик тилида сўзлашадиган ёки шу тилни биладиган одамлардан бири ўша дўкондаги ёзувни кўрса: «Бу ерда уй ҳайвонлари сотилса керак» деб ўйлаши мумкин. Чунки форсчада «гов» — сигир, «хар» эшак дегани.

Юнусобод туманининг Ҳусниддин Асомов кўчасидаги автобус бекатларидан бирига «Сельмаш институти» деган ном берилган. Жумладаги сўзларнинг ўзбекчага таржима қилинмаганини-ку қўятуринг. Ажабланарли томони бошқа: ён-атрофни қанчалар изламанг, бундай институтни асло тополмайсиз. Бу номдаги институт бутун республикамизда ҳам йўқ.

Хўш, ундай бўлса, нима учун бекатга бунақа ном берилган? Ўзимча топгандай бўлдим: эҳтимол худди шу ерда Семашко институти (тўла номи Семашко номли физиотерапия ва саломатликни қайта тиклаш илмий-тадқиқот институти) борлиги учундир. Яна ким билади, дейсиз.

*Абдумалик АБДУРАҲМОНОВ.*





*Собир Раҳимов туманида жойлашган «Сағбон нон» кичик корхона жамоаси аҳолини сифатли нон маҳсулотлари билан таъминлаш йўлида тинмай изланмоқда.*

*СУРАТЛАРДА: корхона ишчиси Муҳайё Бурхонова тайёр маҳсулотни кўздан кечирмоқда; корхона қошидаги дўкондан харидорлар доим иссиқ ва сифатли нон харид қилишади.*

*Рашид Галиев олган суратлар.*

Оқибат

# МЕҲР ЭШИКЛАРИ

Феруза техникумни тугаллаб, ўзи туғилиб ўсган жамоа хўжалигида ҳисобчи бўлиб ишлай бошлади. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, уни туман ёшлари етакчиси этиб сайлашди.

Маълумки, шўро даврларида раҳбарлик лавозимидаги кишиларда шахсий ҳаёт, оилага жуда кам вақт ажратиларди. «Умр оқар сув» дейдилар. Феруза ҳам 26 ёшида турмушга чиқиб, бир ўғил, бир қизнинг онаси бўлди. У фарзандларини тарбиялаш билан бирга умрининг кўп вақтини ишга сарфлади. Шундай пайтлар бўлдики, бир неча кунлар уйига, фарзандлари қошига келолмай қоларди.

Қанчадан-қанча кишиларга қўлидан келганча ёрдам берди. Лекин ўз жигарлари билан тез-тез учрашиб туриш, уларга ўз ёрдамини беришни хаёлига ҳам келтирмади. Шу боис ака-укачилик, қариндош-уруғчилик ришталари йилдан-йилга узоқлашиб кетаверди. Бунинг сабабини у ҳатто ўйлаб ҳам кўрмади. Атрофида унга хушомад қилувчилар, уни олқишловчилар шусиз ҳам етарли эди.

Орадан йиллар ўтди. У бир умр ўзимники бўлади деган лавозим ўзгаларга насиб этди. Бир пайтлар унинг лавозимидан фойдаланганлар ундан очиқчасига юз ўгиришди. Оиласи билан ўзи туғилиб ўсган қишлоғидаги қурилиши чала ҳовлига кўчиб ўтишига тўғри келди. Ана шу пайтда Феруза ака-укалик, қариндош-уруғчилик меҳру оқибати нималигини юракдан англади. Шу билан бирга имкон бор маҳалда туғишганларига кўнгилдагидай ёрдам бера олмаганидан қаттиқ ўкинди, кўнгилда армоннинг аччиқ изтироби уйғонди.

Қадимгиларнинг айтишича, далага экилган буғдой майсасини босиш энг оғир гуноҳлардан бири ҳисобланар экан. Қачонки, биронта инсон буғдойзорнинг нариги томонида яшайдиган онаси ёки синглисини кўриш учунгина шу майсаларни босиб ўтса, Тангри таоло бу гуноҳни кечирар экан. Феруза опанинг ака-укалари ҳақиқий ўзбек оиласида тарбия олган, меҳру оқибат нималигини яхши биладиган инсонлар эканлигига шубҳа йўқ.

Маълумки, ҳозирги пайтда пул, молу давлатга ҳирс қўйиш туфайли ака-укалар, опа-сингиллар, қариндош-уруғлар ўртасида низою нифоқлар юзага келаётгани, ҳатто бир-бирларини ҳақоратлаган, ўз жигарларига тан жароҳати етказиш даражасига бораётганлар бор. Бинобарин, меҳру оқибат, самимийлик, одамийлик каби туйғулар ноёб бўлиб бораётган замонда Феруза опа ўз ака-укаларидан ниҳоятда миннатдор. Уларга яхшиликлари, аслида рисоладагидай ака-ука эканликлари учун кўнгил туйғуларини энг яхши сўзлар билан англатгиси келади. Энг муҳими — кишилар ўз хатоларини кеч бўлсада тушунишди, чунки яхшилик, эзгулик ҳамиша кишини покланишга, янгиланишга чорлайди.

*Маъмура РЎЗИЕВА.*

# ПУЛ САРФЛАНМАЙДИГАН СОВҒА

**Ҳажвия**

Эртага хотинимнинг туғилган куни. Ўйлаб кўрсам турмуш қурганимизга ҳам ўн бир йил бўлибди. Шу йиллар ичида эр бўлиб бирон марта хотинимга тузукроқ нарса совға қилмабман. Инсоф ҳам керак-да! Шундай қилиб бу йилги туғилган кунига қимматбаҳороқ нарса совға қилгим келиб қолди. Нима олиб берсам экан? Ўйлай— ўйлай дурустроқ фикр келмагач, бирон киши билан маслаҳатлашмоқчи бўлдим ва дўстим Эргаш ҳузурига шошилдим. Хонага кирсам, у ҳам эснаб ўтирган экан. Мақсадимни унга айтдим.

— Бундай қил, — деди у, — пальто олиб бер!

— Пальтони кечагина олган-ку!— дедим мен.

— Ундай бўлса ёқаси мўйналигидан олиб бер!

— Унақаси ҳам бор!

—Пошнаси баланд туфли...

—Бир эмас, иккита туфлиси бор!

— Тилла узук...

— Учта тилла узуги бор!

— Хўш... — деди Эргаш худди совғани ўзи олиб бераётгандай қийналиб. — Ундай бўлса кўйлак-пўйлак олиб берақол.

— Кўйлаклари бир машина десам ёлғончи бўламану аммо шкаф тўла кўйлак.

—Э-э, унда билганингни ол, — деди Эргаш жаҳл билан.

Нима қиларимни билмай секин кўчага чиқдим. Дўстим Сафарни учратиб қолдим. Унга ҳам дардимни айтган эдим:

— Пулинг борми ўзи? — деб сўраб қолди.

Хотинимнинг мижози фақат ўзимга аён. «Қўлингизнинг ҳеч ҳам баракаси йўқ!» деб ҳамма пулни олиб қўяди. Сафарнинг сўроғидан кейин унга мунғайиб қараган эдим:

— Ҳа, тушундим, ҳаммамизнинг ҳам бошимизда бор, дўстим. Ундай бўлса пул сарф бўлмайдиган қандай совға бўлиши мумкин?

Аччиқланиб қўл силтадим-да уйга томон шошилдим. Уйга келсам хотиним йиғлаб ўтирибди.

—Нима бўлди? — қўрқиб сўрадим мен.

—Айтишга тилим бормайди, —деди-да яна йиғлашда давом этди.

— Нима бўлди ўзи? —бўғилиб бақирдим.

— Шкафдаги ҳамма кўйлакларимни сичқон илма- тешик қилиб юборибди.

Бу сўзларни эшитиб «топдим» дея қичқириб юборай дедим. Чунки пул сарф бўлмайдиган ғаройиб совға, ахир, бу— мушук!

*Шуҳратхон ИМЯМИНОВА.*



*«Кока-кола» хўпласангиз*
*чанқоғингиз қонади,*
*Лекин кўриб чеҳрангиз,*
*қизлар, юрак ёнади.*

*Рашид Галиев олган сурат-лавҳа.*

***«Ҳурматли таҳририят! Инсоният тарихида ўчмас из қолдирган ҳиндий халқлар — ацтеклар, инклар ҳақида кўп гапиришади. Улар яратган буюк ёдгорликлар (инкларнинг Қуёш худоси эҳроми сингари) ҳали ҳам барчани ҳайратга солиб келади. Шу халқлар каби майялар ҳам юксак тараққиётга эришган эканлар. Лекин майя қабиласи ҳам сирли суратда йўқ бўлиб кетган. Шу қабила ҳақида тўлиқроқ маълумот олишни истардик.***

***Даврон ЙЎЛДОШЕВ,***
***Жавлон ЙЎЛДОШЕВ,***
***автомобиль мактаби талабалари».***

Савол-жавоб

# ҚУРҒОҚЧИЛИК ҚУРБОНЛАРИ

Майя қабиласи изларини излаб, кўп йиллардан бери улар қурган шаҳарлар, ибодатхоналарда қазиш, қидирув ишлари олиб борилади. Қўлга киритилган маълумотлар жуда қимматбаҳо. Шундай бўлса ҳам ҳали бутун бошли халқнинг ҳалокатини аниқловчи далил йўқ эди. Тахминлар эса кўп: ўлат, вабо, даҳшатли табиий фалокат, фуқаролар уруши... Лекин биронта тахмин шу пайтгача тасдиқланмади.

Яқинда америкалик олим Дэвид Ходелл бошчилигидаги Флорида университети палеонтологлари топган янгилик илм аҳлини ҳайратга солди. Уларнинг саъй-ҳаракатлари билан ниҳоят тугун ечилди: майя қабиласини қурғоқчилик ҳалок этган экан.

Олимлар минг йиллар мобайнида ҳеч ким тегмаган Юкатаннинг марказий қисмидаги Чичанканб кўли тубидаги чўкма жинсларни тадқиқ қилдилар. Аниқ белгиларга кўра, 800 ва 1000-йиллар ўртасида ушбу минтақа кўз кўриб, қулоқ эшитмаган, икки аср давом этган қурғоқчилик бўлганини эътироф этдилар. Ушбу даврдаги чўкма жинслар кальций сульфат (гипс) билан ҳаддан ташқари тўйинган. Одатда у сувда дарҳол эриб кетади. Агар яхлит-яхлит бўлиб қотиб қолган экан, демак сув етишмаган. Яъни қурғоқчилик ҳукм сурган.

Фақатгина бир нарса номаълум: ҳаво ҳарорати неча даражага кўтарилган? Лекин тахмин қилиш мумкинки теварак-атрофдаги қимирлаган жон ҳалок бўлган, ҳатто буюк майя тараққиёти ҳам бу қурғоқчиликка бардош беролмаган.

Майялар ҳар соҳада жуда илгарилаб кетганлар. Футбол ватани Англия деб ҳисобланиб келинади. Лекин Альбион соҳилларига тўп думалаб келгунигача, яъни бир ярим-икки минг йил аввал, ушбу ўйинни майя ҳиндулари ўйнаган эканлар.

Футбол майдонининг ҳажми ҳар хил бўлган. Унинг иккала узун томонида томошабинлар учун ўринлар бўлган. Икки қисқа томонда рақиб командалар жойлашган. Уларда 30 тагача ўйинчи бўлган... Оғир каучук шар тўп вазифасини бажарган. Уни гулхан устида бир неча латекс-каучук смоласини эритиб, уни думалоқлаб ўралган латта-путтага чаплаб, тайёрлашган. Тўпнинг диаметри 20 сентиметрга тенг бўлган. Ҳозирги тўплар ҳам шу катталикда. Дарвозаларни — улар иккита катта, безакли тоштахтадан иборат бўлган — уни икки томонга осиб қўйишган. Тоштахталарда каттакон ёриқлар бўлган. Тўпни ана шу ёриқлардан ўтказиш талаб этилган.

Ҳакам тўпни осмонга отиб ўйинга киритган. Ўйинчилар уни ерга туширмасдан илиб олишлари, худди жонглёрлар сингари бир-бирига оширишлари лозим бўлган. Тўпни тиззадан белгача, тирсакдан елкагача ўйнашга рухсат берилган. Қоидани бузган ўйинчи дарҳол майдондан ҳайдаб чиқарилган.

Бундай шароитда гол уриш осон бўлмаган. Мабодо гол урилса, команда сўзсиз ғолиб деб топилган. Томошабинлар эса... ура қочганлар. Чунки ғолибларга томошабинларнинг қимматбаҳо буюмларини, кийимларини олишга рухсат берилган. Гол урилмаса, рақиб командаси ўйинчиларини сафдан чиқариб, ўзининг ўйинчиларидан бир кишини бўлса ҳам сақлаб қолган команда ғолиб деб топилган.

Ўйинчиларга майдонда бир-бирини хоҳлаган ерига уришга рухсат берилган. Ҳозирги Америка футболи майя футболи олдида бир ўйинчоқдек.

Майяликлар футболга илоҳий тус беришган. Ҳар бир ўйинга алоҳида тайёрланишган. Ҳар бир ўйинда у ёки бу худолар ўзаро майдонга тушган ҳисобланган. Енгган томон енгилган шаҳар устидан ҳукм юргизган.

Майяликлар ажойиб йўлсоз ҳам бўлишган. Йўл четларига тарашланган оҳактошлар ётқизишган. Бундай йўллар ҳозирги кунда Йашука ва Коба шаҳарлари оралиғида мавжуд.

Хуллас, инсоният тараққиётида бошқа қадим халқлар қаторида майяликларнинг буюк хизматлари бор. Биз тарихга қанчалар чуқур кириб борсак, бунга шунчалар кўп амин бўла борамиз.

*Толиб САЪДУЛЛАЕВ тайёрлади.*

Шахмат

## ГРОССМЕЙСТЕРЛИК БАЛИ

Республика вице-чемпиони халқаро уста Владимир Егин яқинда Россия Федерациясида ўтказилган нуфузли халқаро турнирда катта муваффақиятга эришди. Юксак унвон — гроссмейстерлик учун дастлабки балл талабларини орттириб адо этди. Энди халқаро гроссмейстерликка номзодларимиз сони уч нафарга етди.

## ИНДОНЕЗИЯДАГИ МУВАФФАҚИЯТ

Бу ороллар мамлакати тобора жаҳоннинг шахмат марказларидан бирига айланиб бормоқда. Яқинда Жакартада ўйналган жаҳон шаҳарлари биринчилигида тошкентликлар учинчи совриндор бўлиб қайтган бўлсалар, у ерда куни кеча якунланган улкан аёллар халқаро турнирида республикамиз экс-чемпиони Анжела Хегай 12 имкониятдан 6,5 очко жамғариб, халқаро мастер унвони йўлида дастлабки баллни қўлга киритди.

## АБУ ДАБИДАГИ БЕЛЛАШУВЛАР

Бирлашган Араб Амирликларининг энг йирик шаҳри — Абу Даби айни кунларда жаҳоннинг кўзга кўринган кўпгина гроссмейстеру усталари жанггоҳига айланиб турибди. Унда ўзбекистонлик гроссмейстерлар Сайдали Йўлдошев, Михаил Салтав, Сергей Загребельний, халқаро усталар Дмитрий Қаюмов, Рустам Қосимжонов эркаклар турнирида, миллий спорт устаси Ирина Горшкова эса аёллар мусобақасида дона сурмоқда.

## ОСИЁ БИРИНЧИЛИГИ — ҲИНДИСТОНДА

Шу ойнинг учинчи ўн кунлигида Ҳиндистонда 16 ва 18 ёшгача бўлган ўсмирлар ва қизлар ўртасида Осиё биринчилиги ўтказилади. Ўсмирлар турнирида республика чемпиони Рустам Қосимжонов билан сурхондарёлик спорт усталигига номзод Бегали Саидов, қизлар биринчилигида эса Ирина Горшкова иштирок этадилар.

## «ТАБОБАТ САРИ» ҲИММАТИ

Республика шахмат клубида мамлакат собиқ чемпионлари, совриндорлари ва бошқа фахрийлар ўртасида блиц-турнир ўйналди. 20 киши икки гуруҳга бўлиниб ўзаро дона суришди. Сўнгра финал ўйинда етти имкониятдан 6 очко олган спорт устаси Евгений Мухин ғолиб бўлди. Унга ва кейинги ўринларни эгаллаганларга «Табобат сари» фирмасининг пул мукофотлари топширилди. Фирма олдин ҳам шундай ҳиммат кўрсатган эди.

*Мамажон МУҲИДДИНОВ, халқаро ҳакам.*




*Келажакнинг чемпиони ўзинг бўлгин, болажон!*

**Қаҳқаҳа**

*— Баъзи бир сотувчиларга маза-да, умр бўйи бош кийим харид қилмайди.*

*— Нега бундай деяпсан?*

*— Чунки, харидор бирор нарса харид қилганида «шапка»сини ташлаб кетади.*

* * *

*Синфдош икки дўст учрашиб қолди:*

*— Ёшинг қирққа тўлмай, сочинг оппоқ оқариб кетибди-ку.*

*— Нимасини айтасан, йигирма уч йил мобайнида йигирма жойда ишлаб оқармаган жойим қолмади.*

*— Жуда шунчалик бўлмаса керак, бир ишнинг бошини тутмаганинг учун косанг оқармади-ку!*

* * *

*— Энг яқин дўстинг Эргашали сенинг ҳузурингда мени «Ғирт жинни экансан!» деса ҳам индамадинг-а!*

*— Унинг сен ҳақингда бундай тўлиқ маълумотни қаердан олганини ўйлаб тилим калимага келмай қолди.*

* * *

*Икки ҳазилвон дўст суҳбатидан:*

*— Нега қушларни «Қанотли дўстлар» деймиз-у, ҳайвонларни «Туёқли дўстлар» демаймиз?*

*— Инсон эшак ва тўнғизни дўст дейиши учун сенга ўхшаш ҳўкиз тоифа бўлиши керак.*

*Убайдулла АБДУЛЛАЕВ.*



*Юнусободдаги ноёб иншоот — ёпиқ теннис корти ҳар қандай одамни ҳайратга солади.*

Бухоро—2500

# ҲАДИС ИЛМИНИНГ СУЛТОНИ

Ислом дунёсининг буюк мутафаккирларидан бири, аллома Имом Исмоил Ал-Бухорий 810 йилда Бухорода таваллуд топди. Илмга чанқоқ ватандошимиз ўзининг ақл-идроки, ўткир зеҳни ва истеъдоди билан ажралиб турган. Бўлғуси аллома 10 ёшлик пайтидаёқ ўқиш ва ёзишни ўрганиб, ўзининг хотираси ўткирлиги билан атрофдагиларнинг диққатини тортган. Ўн олти ёшида Маккага бориш насиб этади. Маккада тўрт йил туриб, Қуръони Карим ва пайғамбаримиз Муҳаммад саллаллоҳи алайҳи вассалламнинг ҳадисларини ўрганишга жуда катта куч сарфлайди. Истеъдодли ёш олим Ҳадиси Шарифни йиғишга, уни тўплашга жуда катта эътибор беради. Дамашқ, Қоҳира, Басра, Куфа, Бағдод каби ислом илми барқ урган шаҳарларда ўз билимини оширади. Муаллифнинг айтишича, у 600 минг Ҳадиси Шарифни тўплаган, ушбу дурдоналарни тартибга солиб чиққан. Ислом дунёсида Имом Исмоил «Ҳадис илмининг султони» деган фахрли номга мушарраф бўлган.

Имом Бухорийнинг ҳаммаси бўлиб 20 тадан ортиқ асарлари авлодларига мерос бўлиб қолган. Унинг тўрт жилддан иборат «Ҳадис» лари биз — ватандошларига қолдирган жуда катта маънавий туҳфасидир. «Ҳадис» Ислом динида Қуръони Каримдан кейинги муқаддас манба саналади. Ҳадиси Шарифнинг мўътабарлиги шундаки, пайғамбарларимизнинг ўзлари: «Эй умматларим! Мен Сизлар учун Қуръони Карим билан ўзимнинг суннатим — йўл-йўриқларимни қолдирдим. Сиз бу иккаласини маҳкам ушлаб, уларга амал қилсангиз, тўғри йўлдан асло адашмайсизлар!»

Ана шу савобли ишга Имом Исмоил Ал-Бухорий жуда катта кўламдаги ишлари билан ҳисса қўшган алломадир. Буюк бобомиз тўплаган 600 минг дурдоналардан 7250 таси «Саҳиқ» яъни ишончли деб аталган ва «Саҳиҳи Бухорий» номида мусулмон дунёсида жуда машҳурдир.

Буюк бобокалонимиз Бухоро номини бутун оламга машҳури жаҳон қилиб, ибратли ва қимматли маънавий хазинасини авлодларига қолдирди. Донишманд бобомизнинг маънавий дунёси инсониятга бундан кейин ҳам хизмат қилаверади. Ўзининг 2500 йиллик муборақ тўйини нишонлаётган Бухоро ўз фарзандларини доимо эъзозлайди.

*Мусоқул УСМОНОВ. Тошкент Молия институти профессори.*

**Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ**

## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

**ТОШКЕНТ ШАҲРИ КОРХОНАЛАРИ ВА БОШ МУХОСИБЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**

*Тошкент шаҳридаги йўловчи транспорти Давлат Уюшмаси қошидаги «Йўловчитранссервис» Бирлашган хўжалик ҳисобидаги Марказ маъмурияти ўз банк реквизитларининг ўзгарганлигини маълум қилади ва 1997 йил 16 сентябридан банк операциялари қуйидаги реквизитлар бўйича амалга оширилади:*

*«Йўловчитранссервис» БХҲМ*
*Тошкент ш., Т. Малик кўчаси, 3а-уй,*
*ҳисоб рақамимиз — 20210000900415198001,*
*банк коди — 00431.*
*Индексация коди — 201121832*

**Ўзбекистон Республикаси миллий банкининг ташқи иқтисодий фаолияти Академик бўлимида.**

Миробод туманидаги масъулияти чекланган «ДАВУЛ» жамиятининг учбурчак штампи ва думалоқ муҳри йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

Педиатрия илмий-текшириш институти жамоаси катта илмий ходим Д. К. Муҳамаджоновага онаси **Шарофат Қодировна ТЎЛАГАНОВАнинг** бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Тошкент оқшоми
Toshkent oqshomi

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар – 133-29-70; эълонлар: 133-28-95, 132-11-39. факс: (3712) 133-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 64690

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 133-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. ❖ Буюртма Г-0583. ❖ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ❖ Қоғоз бичими А-2 «Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. ❖ Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. ❖ Босмага топшириш вақти 11.30. ❖ 5.652 нусхада босилди. 1 2 3 4 5 6.